

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг қайси томонини олмайлик - оддий оиланинг рўзгорини тебратибдан тортиб давлат ва жамият қурилишига, иқтисодий ривожлантиришдан тортиб соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиётига - бу соҳаларнинг барчасини аёлларнинг иштирокида тасаввур этиб бўлмайди, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2005 йил 7 март, душанба № 39 (1880)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАҲБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

ЎЗБЕКИСТОН ХОТИН-ҚИЗЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Мухтарама онахонлар! Қадри опа-сингиллар, дилбар қизларим!

Барчангизни 8 март - Хотин-қизлар байрами билан чин қалбимдан самимий қутлаб, сизларга ўзининг қадрига эҳтироми ва энг эзгу тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бу байрам юртимизга ҳар йили баҳор фаслининг илк дарақиси каби кириб келади ва биз уни Меҳр-муҳаббат, нафосат айёми сифатида шоду хуррамлик билан нишонлаймиз. Ва шу байрам тисолида Баҳор ва Аёл тушунчаларининг нақадар уйғун эканини, бир-бирини нечоғли маъно-мазмун билан тўлдирганини яна бир қарра англаймиз, дилдан ҳис этамиз.

Агар мендан, бу ҳаётнинг гўзаллиги ва бетакорлиги нимада, деб сўралса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганинг беҳисоб мўъжизаси бўлмиш сиз меҳрибон аёлларимизнинг назоратида, вафо ва садоқатида, сизларнинг сиймонгиздан таралиб турадиган нур ва эзгуликда, мунис оналаримизнинг қалб саховатида, деб жавоб берган бўлардим.

Азиз опа-сингилларим, аввало, сизларнинг чекизи сабр-бардошимиз, сеҳрли қўлларингиз, тинимсиз меҳнатингиз ва ҳаракатларингиз билан хонадонларимиз обод, кўнглиларимиз шод. Фарзандини оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадиган, дилбанди учун жонини ҳам аямайдиган, ҳаёт давомийлигини асраб келаётган сиз, қадрдонларимизнинг ҳар бир кунингиз том маънодаги фидойилик намунаси.

Бугун мамлакатимиз ҳаётининг қайси томонини олмайлик - оддий оиланинг рўзгорини тебратибдан тортиб давлат ва жамият қурилишига, иқтисодий ривожлантиришдан тортиб соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, маданият ва илм-фан тараққиётига - бу соҳаларнинг барчасини аёлларнинг иштирокида тасаввур этиб бўлмайди, десак, аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ҳозирги кунда янгилашни ва юксалиш йўлидан бораётган Ўзбекистонимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва маънавий кучайтириши, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган ва унинг самарасини кўп-кўп мисолларда кўриш мумкин. Аёлларимизнинг кичик бизнес, тадбиркорлик ва фермерлик соҳасида, демократик жараёнларда, нодавлат таш-

килотлар фаолиятидаги роли ва ҳиссаси тобора ортаётгани барчамизни қувонтиради. Шулар қаторида опа-сингилларимиз табиатнинг ўзи ато этган мураббийлик ва тарбиячилик фазилатларини, ақл-заковат ва гайрат-шижоатини намойён этиб, хонадонларимизда, маҳалла ва меҳнат жамоаларида, бутун жамиятимизда тинчлик ва осойишталикни мустаҳкамлаш, фарзандларимизни комил инсон қилиб тарбиялаш, уларни ошуда ҳаётимизга таҳдид солаётган турли хавф-хатарлардан асраш борасида жон куйдириб меҳнат қилаётганлари айниқса таъсирга сововор.

Шу билан бирга, биз қонунчилигимизда, қабул қилинаётган фармон ва қарорларда аёллар учун белгилаб берилган имконият ва имтиёзларни, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини тўла таъминлаш учун жойларда ҳали жуда кўп иш қилишимиз лозимлигини ҳам яхши тасаввур этамиз.

Бу ҳақда гапирганда, факат аёл зоти бажара оладиган ишлар - бу хоҳ оилавий юмушлар, фарзанд тарбияси бўлсин, хоҳ қандайдиган меҳнат, хизматдаги вазифа бўлсин - ана шу меҳнатнинг қадрига эҳтиш, уни муносиб баҳолаш, турли минбарлардан аёллар шаънига айтадиган қиройли гапларни амалда рўйга чиқариш, опа-сингилларимизнинг оғирини енгил қилиш, уларнинг қадр-қимматини жойига қўйиш аини мудоао бўларди.

Шу мақсадда оилаларнинг даромадини кўпайтириш, ижтимоий масалалар - ақолини табиий газ ва тоза ичимлик суви билан таъминлаш, янги уй-жойлар қуриш, тиббий ва маиший хизмат кўрсатиш, шаҳар ва қишлоқларимизни ободлаштириш борасида амалга ошираётган барча ишларимизни шу йўлдаги энг муҳим вазифалар, деб қабул қилишимиз зарур.

Азизларим, сизларни яна бир бор зеболик ва нафосат байрамингиз билан муборакбод этаман.

Бугунги байрам шодиёнасида сиз, мухтарама аёлларимизнинг фидойи қалбингиз, беёминат меҳру муҳаббатингиз учун ҳар қанча ташаккур айтсак, ҳар қанча таъзим қилсак, арзийди.

Икболингиз банд, умрингиз узок, ризқу насибонгиз зиёда бўлсин!

Бахтимизга доимо омон бўлинг, меҳрибонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

ҲАМКОРЛИК ВА БАРҚАРОРЛИКНИ МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан 5 март куни Покистон Ислам Республикаси Президенти Парвез Мушарраф расмий ташриф билан мамлакатимизга келди

Дўрмон қароргоҳида 6 март куни олий мартабали меҳмонни расмий қутиб олиш маросими бўлди. Шундан кейин Ўзбекистон ва Покистон раҳбарлари яққам-яққа суҳбатлашдилар. Унда асосий эътибор икки томонлама муносабатларнинг бугунги аҳоли ва иқтисодига ҳамда минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлашга оид масалаларга қаратилди.

Ўзбекистон ва Покистоннинг ўхшаш жиҳатлари кўп. Жаҳон сиёсат майдонинда Ўзбекистон ва Покистонга ҳақли равишда халқаро аксилтеррор коалициясини қатъий қўллаб-қувватлаган, террорчилик ва экстремизмга қарши курашининг олдинги сафида турган давлатлар сифатида қаралади.

Минтақамизда хавфсизликни мустаҳкамлаш ва иқтисодий интеграцияни ривожлантириш борасидаги Ўзбекистон ташаббуслари халқаро миқёсда кенг қўллаб-қувватланаётган. Покистон ўз минтақасида барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим ўрин тутувчи мамлакат сифатида эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон билан Покистоннинг икки томонлама муносабатлари мамлакатимиз мустақилликка эришганидан кейин янгида мазмун касб этди. Амо Афғонистондаги фуқаролар уруши ва бунинг натижасида минтақадан вужудга келган қалтириш вазиет ҳамкорликни имкониятлар даражасига кўтариш учун тўсиқ бўлиб келди. Афғонистонда эндиликда тинч ва ошуда ҳаёт тикланмоқда. Бу Ўзбекистон ва Покистон муносабатларини таҳлил этиш, алоқалар иштиқолини белгилаб олиш, ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини қайта қуриб чиқиш ва самардорлигини ошириш имкониятини яратмоқда.

Парвез Мушаррафнинг ташрифидан кўзланган мақсад икки томонлама ҳамкорлик масалалари билан чекланмайди. Покистон АҚШ, Хитой, Туркия ва Форс кўрφαзи мамлакатлари билан стратегик ҳамкор. Ўзбекистон эса АҚШ, Россия, Япония каби давлатлар билан стратегик ҳамкорлик муносабатларини ўрнатган. Икки томонлама асосда ва

ШХТ доирасида қарор топган алоқалар туфайли Хитой ҳам Ўзбекистонга Марказий Осиёдаги муҳим давлат сифатида қарайди. Демак, Ўзбекистон-Покистон ҳамкорлиги сиёсий ва иқтисодий алоқалар ҳамда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш нуктаи назаридан турган давлатлар сифатида намойён бўлмоқда.

Ташкент ва Исламобод ўртасида мустаҳкам ва узок муддатли алоқа ўрнатилиши Ўзбекистон учун Форс кўрφαзи мамлакатлари билан, Покистон учун эса Марказий Осиё давлатлари билан муносабатларини янгида асосда, кенг ривожлантириш имкониятларини очди.

Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф ҳамкорлиги барча соҳаларда фаоллаштириш ва янги мазмун билан бойитиш масалаларини муҳокама қилди. Алоқаларни мустаҳкамлашнинг ана шундай кенг қамровли стратегияси юзасидан фикр алмашдилар. Президентлар Афғонистонга ёрдам кўрсатиш масалаларини ҳам муҳокама этдилар. Афғон муаммоси бўйича мулоқотларга мунтазамлик тусини беришга, террорчилик, наркотиқ бизнес ва экстремизмга қарши кураш борасида тажриба ва ақборот алмашиб боришга келишиб олинди.

Ҳақиқий ислом дини билан динни никоб қилиб олган гараз ниятли кучлар ўртасидаги фарқи аниқ ва кескин ажратилиши лозимлиги тўғрисида томонларнинг фикри бир хил. Баъзи ақида-парастларнинг Покистон ҳудудига яширинган органикўпчиликка маълум. Парвез Мушарраф мазкур муаммони ҳал этиш учун Покистон барча куч ва имкониятларини ишга солаётганини, бу йўналишда саъй-ҳаракатлар келгусида ҳам қатъият билан давом этишини алоҳида таъкидлади.

Шунингдек, суҳбат чоғида БМТни ислоҳ қилиш, Покистоннинг ШХТга қўшилиши билан боғлиқ масалалар ҳам қуриб чиқилди.

Ўзбекистон ва Покистон расмий делегацияларининг кенгайтирилган тартибдаги музокараларида икки томонлама савдо-иқтисодий муносабатлар ҳамда минтақавий интеграция масалалари томонларнинг диққат марказида бўлди.

Ҳозир дунёда энергия захираларига талаб ортиб бораётгани сир эмас. Шу боис Покистон энергия манбаларига бой минтақа хисобланган Марказий Осиёдан чиқариладиган янги транспорт тармоқларининг ўз коммуникацияларига туташувидан манфаатдор. Ўзбекистоннинг Покистон йўллари орқали Араб денгизи соҳилларига чиқиши эса икки томон учун ҳам манфаатлидир.

Покистон компаниялари Ўзбекистон ҳудудидagi нефть қонларини разведка қилиш ва ўрганишга қизиқиш билдиримоқда. Шунинг учун Исламобод Афғонистон орқали Покистонга чиқадиган транспорт тармоқларини барпо этиш лойиҳаларига Ўзбекистонни ва Марказий Осиёдаги бошқа давлатларни жалб этиш ниятида. Бу Покистон товарларининг (пластмасса буюмлар, чарм ва картондан ясалган махсулотлар, дори-дармон, мева) Ўзбекистон орқали Марказий Осиё давлатлари бозорларига кириб боришига ҳам хизмат қилган бўлур эди.

Ўзбекистон эса Покистон бозорига йўналтирилган экспорти ҳажминини (пахта, полиэтилен, сульфитланган газ, минерал ўғитлар, галла, қишлоқ хўжалиги техникаси) кенгайтириш имкониятига эга бўлади. Ҳозир Покистон Ўзбекистон пахтасини учинчи давлат орқали сотиб оляпти. Утган йили ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 8,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Ваҳоланки, Эрон бандаргоҳлари орқали Покистонга 43 миллион долларлик пахта юборилди. Табиийки, икки томонлама савдо статистикасига бу рақам

кирмайди. Шу боис музокарада бевосита савдо-сотик масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бош вазиirlарга савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон-Покистон кўшма комиссиясининг фаолиятини такомиллаштириш вазифасини юқлашга келишиб олинди.

Кўшма қорхоналар сонини ошириш масаласи ҳам кенг муҳокама этилди. Ҳозир Ўзбекистонда Покистон сармомаси иштирокида тузилган 42 қорхона фаолият кўрсатмоқда. Улар 2004 йилда жами 19,5 миллиард сўмлик товар ишлаб чиқарди ва хизмат кўрсатди. Бунда экспортнинг улуши 4,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди.

Ўзбекистонда «Табани қорпорейшн» ва «Пакистан интэрнэйшл эйрлайнз» компанияларининг ваколатхоналари ишлаб турибди.

Бу кўрсаткичлар икки томонни ҳам қониқтирмаслиги, уни ошириш имкониятлари кўпчилиги таъкидланди. Ишбилармонлар ҳамкорлигини янада рағбатлантириш ва кўллаб-қувватлаш, банк-молия соҳасидаги ҳамкорликни ривожлантириш чора-тадбирлари муҳокама этилди.

Музокарада тарихий ва маданий яқинлик ижтимоий соҳадаги алоқаларни мустаҳкамлаш учун яхши омили эканлиги таъкидланди.

Икки мамлакат вакиллари Ўзбекистонда ва Покистонда ўтаётган турли ҳалқаро санъат ва мусиқа фестивалларида, илмий-маънавий анжуманларда қатнашиб келмоқдалар. Кино ижодкорлари ҳамкорликда халқларимизнинг тарихий алоқаларига доир ҳужжатли филмлар устида ишламоқдалар. Олимлар тарихий-маънавий меросга оид маданий ёдгорликларни, археологик топилмаларни, қўлэмаларни тадқиқ этмоқдалар.

Лекин бу борадаги имкониятлар ҳам тўла ишга солинаётгани йўқ. Масалан, Бобурийлар даври билан боғлиқ тарихий жойлар бўйлаб кўшма экспедицияларни давом эттириш мумкин. Умуман, маданий ва илмий доираларнинг, спортчиларнинг ўзаро алоқаларини кўпайти-

риш даркор. Бу ўзаро ишончини мустаҳкамлашда ўзига хос муҳим омили бўлиши шубҳасиз.

Ҳозирчага Ўзбекистон-Покистон муносабатларининг ҳуқуқий асосини 20 ҳужжат ташкил этаётган эди. Дўрмондаги музокаралар якунида Президентлар Ўзбекистон Республикаси билан Покистон Ислам Республикаси ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантириш тўғрисидаги кўшма баёнотга имзо чекдилар. Икки мамлакат ҳуқуқатлари ўртасида 2005-2009 йилларга мўлжалланган маданий алоқалар дастури ҳамда халқаро терроризмга қарши кураш соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида битим имзоланди.

Матбуот анжуманида Ислом Каримов ва Парвез Мушарраф музокаралар самимий ва ишанчлик руҳида ўтганини таъкидлашлар, эришилган келишулар икки томонлама муносабатларни янги бошиқга кўтаришига ишонч билдирдилар.

Шу куну Покистон Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев ҳамроҳлигида пойтахтимиздаги Алишери Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғига ташриф буюрди. Парвез Мушарраф жаҳон шеърятининг даҳоларидан бўлган буюк шоир ва мутафаккир Алишери Навоий хотирасига ҳурмат баҳо келтириб, унинг ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Олий мартабали меҳмон Ўзбекистон тарихи давлат музейида бўлди. Покистон раҳбари мамлакатимиз тарихи, Истиклол йилларидаги улкан ўзгаришларни акс эттирган экспонатларни кўздан кечирар экан, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлидан оғимай бораётганини таъкидлади.

Покистон Ислам Республикаси Президентининг генерал Парвез Мушарраф юртимизга ташрифи давомида Самарқандни ҳам зиёрат қилди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири

«ҲАР ҚАЁН БОҚСАМ ЮЗИМГА УЛ ҚУЁШДИН НУР ЭРУР...»



Миллатга, Ватанга эҳтиром - аёлга, онага эҳтиромдан бошланади. Аёлини асраган эл қудратли, онасини эъозлаган фарзанд толеи банд бўлади. Дунёдаги жамики буюк зотлар, жаҳонгирлар оқла ва доно оналарнинг, гўзал табииати аёл бағрида улғайишган. Маънавияти тоза узанларга уланган бундай аёллар тарбиялаган фарзанд ҳам кўни келиб жаҳонга маърифат нуруни таратган. Доғишмақдлар шу боис аёлга, унинг ақлига баҳо берганда, аввало, устирган болалиги камолига эътиборни қаратишган. Негаки, оталар фарзандига ҳаётнинг асл моҳиятини ақл орқали ўргатсалар, оналар бу эзгу ишни қалби, юраги, туйғулари билан уйдлашган. Навоий ҳазратлари онанинг яратувчилик қудратини юксак баҳолаб, покдомон аёллардангина табииати пок фарзандлар дунёга келишини башорат қилдилар:

Ано урини ато тутмас ўғилга
Ким, мумкиндуру ўзи бўлмоқ атоқис.
Масиҳо бирла Марамдин қибс эт
Ки, никон йўқтурур бўлмоқ аносиз.
Ул зоти қамил шу боис «Равза»
жаннату жинон боғини Оналарнинг
оёғи остида қўрганлар:
Онанинг оёғи остидадур,
Равзан жаннату жинон боғи.

Равза боғин висолни истар эсанг,
Бул онанинг оёғи тўғроғи.

Жаҳонгир Искандар ҳам хатто умҳининг сўнгги дамларида дунё шоялигидан, она остонаси тупроғига ай-



ланишни афзал билган. «Даст ба қору дил баёр» дея одамларни руҳий покликка қорлаб ўтган Баҳоуддин Нақшбанд ҳазратлари эса аввал

оналари Орифа бегимни зиёрат қилишни васият қилган эканлар. Онани, аёлини улғулаш бизга ана шундай буюклардан қолган мерос. Ривоят қилишларича, Ҳақ амрида Момо Ҳаво Онамизга дунёдаги барча гўзалликлар жамланиб, унинг тўқсон тўққиз фоизи берилган. Қолган бир фоиз ўнга бўлиниб, тўққиз улуши Юсуф алайҳиссаломга, қолган бир фоизи эса Одамларга улашилган экан. Шу боис аёлнинг қалби қуёш тафтидан иссиқ, ҳеҳраси ойдан-да гўзал, қошлари хилол, кўзи уммондан теран, ақли фазолдек чекисиз, қўйинги, у ана шундай белим-сол чиройи, назокати билан дунёнинг мўъжизаси ва ҳайратига айланган. Одамнинг илк ҳофизаси, шоираси, хаттоки, табиаси ва меймораси аёл эканлиги исбот талаб этмайдиган ҳақиқатдир. Одам зоти борки, дунёнинг моҳияти, гўзаллиги, илоҳият нуруларини аёлдан толган, унинг меҳр-муҳаббати теграсида ўзини бахтиёр ҳис қилган. Негаки, дунёга келган гўдак илк бора оламни она нигоҳи орқали идрок этади, алла билан қалбиде оҳанг дараёнада, она сўти билан юрагиде Ватан, миллат руҳини сингиб боради. Онанинг маънавияти, қалб ҳарорати меҳр-муҳаббатга айланиб, бола

вужудига сингиб боради. Шу боис, донолар «инсонлар ҳар вақт хотинлар истаганин каби бўлажақлар, агарда буюк фазилатли одамларга эҳтиёжингиз бўлса, хотинларга буюклик ва фазилатини ўргатингиз», - деганлар. Демак, жамият саодати яхши тарбия кўрган аёл билан мукамалдир. Қўшна Шарқ таълимотида эътироф этилишича, қомила аёл фарзандга меҳр билан алла айтаётганда, самодан ерга нур ёғилармиш, фаришталар ана шу нурдан елпигини асаб, қалбларини ажиб туйғуга тўлдираркан. Шу боис нафакат алла тинглаган гўдак, балки уни эшитган одамларда ҳам руҳий покчилик кучаярмиш. Алланинг илоҳийлиги, сирсинаоли, кўнглига яқинлиги ана шунда. Алла эшитиб улғайган фарзандлар эса қомиллик сари бораётган юрт келажақидир. Шу ўринда доно зотнинг «Қуёшсиз гуллар очилмаганидек, аёлларсиз шоир ҳам, қаҳрамон ҳам бўлмайди» деган фикрини эсламоқ жоиз. Зеро, жамият ва Аёл, Аёл ва жамият - тараққиётнинг бир-бирига уланган икки ҳалқаси. Аёли ҳимояланган жамият қудратли бўлади. Қудратли жамият эса маънан етук оилалардан таркиб топади. Бундай оилани эса покдомон аёл яратди. Янги ҳаёт, янги жамият барпо этиш

йўлидан бораётган юртимизда эса аёлга, онага, оилага муносабат давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги қувончли ҳолдир.

Президентимизнинг «Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини кўллаб-қувватлаш борасидаги кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини янада ошириш, уларнинг жамоатчилик ва сиёсий фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этди. Зеро, «Аёл омон бўлса оила омон, оила омон бўлса жамият омон, жамият омон бўлса давлат омон бўлади». Дарҳақиқат, аёл аввало она. Шу боис, унинг меҳрини қуёшга ўхшатилади. Қуёш дунёни ёдуга тўлдириб, одамларга зиё бахш этса, аёл оқила ва донолиги билан жамиятга, инсониятга маънавият ато этади. Негаки, унинг қалбиде катта руҳий қувват яшайди.

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг фуқаролик жамиятини шакллантириш шароитидаги Ҳаракат дастурида ҳам хотин-қизлар аҳолини яхшилаш, уларнинг жамиятдаги маънавий ошариш, меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, хавфсиз меҳнат шароити, ижтимоий ҳимоя, тиббий хизмат билан таъминлаш, ижтимоий ва маданий ҳаётда иштирок этиш, билим олиш, ўқитиш ва етакчилик фаолияти, шунингдек, шахс эркинлиги ва дахлсизлиги, эрақлар билан тенг ҳуқуқлилик, оилалик ва болаликни ҳимоя қилиш каби долзарб масалалар ўз ифодасини топган.

(Давоми 2-бетда)



«ХАР ҚАЁН БОҚСАМ ЮЗИМГА УЛ ҚУЁШДИН НУР ЭРУР...»

(Боши 1-бетга)

Айниқса, гендер тенглик (эркаклар ва аёлларни ижтимоий ҳимоялаш тенглиги), хотин-қизларга нисбатан турли чекловларни бекор қилиш сибсатини юрғазिश мажбуриятини ўз зиммасига олган. Шунга кўра касба уюшмаларининг ижтимоий соҳа ҳуқуқий негизини шакллантиришга эътиборни қўйиштириш, жамоа шартномалари ва келишувларини тузишга гендер муносабатлари нукта назаридан ёндошиши бу борадаги адолатни таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Рақамларга мурожаат қилсак, биргина ўтган йилнинг ярим йиллигида жамоа шартномалари ва келишувлари орқали 300 мингдан зиёд ишловчи хотин-қизлар қўшимча таътиллар олишган, 6 минг нафардан зиёд аёлнинг туғишга ва туғилган кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари узайтирилди, бунга иш берувчилар ҳисобидан 100 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Шунингдек, 18 минг нафарга яқин кўп

болали, мактабгача тарбия ёшидаги боласи бор ишловчи аёллар учун қисқартирилган иш кунлари жорий этилди. Уларга 171 миллион сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилди. Бундан ташқари, иш берувчи ҳисобидан 66 минг нафар кўп болали ишловчи аёлларга 225 миллион сўмлик бепул тиббий ёрдам, 8,7 минг кўп болали ишловчи аёлларга дори-дармон учун 35 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Икки ёшдан уч ёшгача бола парваришlash таътилида бўлган 5 минг нафарга яқин ишловчи аёлларга 170 миллион сўм миқдорда моддий ёрдам уюштирилди, уч ёшгача боласи бор ва бюджет ташкилотларида ишловчи аёллар учун эса иш ҳафтаси бир соатга қисқартирилди. 130 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам қўрсатилди, уларнинг олий ва ўрта махсус ўқув юрталарида шартнома асосида тахсил олаётган фарзандлари учун контракт пуллари тўланди.

Касба уюшмалари хотин-қизларнинг саломатлигини тиклаш, кўнгилли дам

олиши, фарзандларини соғломлаштиришда ҳам ҳамиша ҳамжўр. Республикаимиздаги санаторий, профилакторий, дам олиш уйларида улар ўз саломатликларини тиклаш билан бир қаторда фарзандлари билан бирга дам олиш имконияти яратилган. Йўлнамаларнинг асосий қисми касба уюшмалари маблагидан қоланаётгани қувончли ҳолдир. Шунингдек, болалар оромгоҳларида ҳам уларнинг фарзандлари учун катта имтиёзлар яратилган.



Бугунги кунда касба уюшмалари Федерацияси, шунингдек, тармоқ Марказий қўмиталари, худудий касба уюшма кенгашлари, вилоят, туман, шаҳар қўмиталари, бошланғич ташкилотларда фаолият кўрсатаётган фидойи хотин-қизларимиз мамлакатимиз ҳаётидаги ўта дол-

Ислом КАРИМОВ:
Агар мендан, бу ҳаётнинг гўзаллиги ва бетакрорлиги нимада, деб сўралса, ҳеч иккиланмасдан, Яратганининг бекиёс мўъжизаси бўлмиш сиз меҳрибон аёлларимизнинг назокатида, вафо ва садоқатида, сизларнинг сиймонгиздан таралиб турадиган нур ва эзгуликда, мунис оналаримизнинг қалб саховатида, деб жавоб берган бўлардим.

зарб масалаларни ҳал этишда сидқидилдан меҳнат қилмоқдалар. Рухий кўтаринкилик ва уюшқоқлик билан ўтаётган касба уюшмалари конференция ва қурултойларида ҳам хотин-қизларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатла-

бўлиши билан бирга оила, жамият ва келажак олдидаги масъулият ҳамдир. Негаки, аёл нафақат ўз оиласи, балки ўз жамоаси, қолаверса, жамиятга фазил ва кўрқидир. Эзгулик ва нафосат, вафо ва садоқат тимсоли

Аёл васофиди сўз очилар экан, ўз-ўзиндан тилингизда Хужа Ҳофизнинг эл ичра афсона-ўривотга сабаб бўлган машҳур мисралари айланиси шубҳасиз:

*Агар кўнглини мот этса ўша Шероз жонини,
Қаро холига баш эгтум Самарқанду Бухорини.*

Бу байтнинг доғруғидан хабардор Амир Темур Шерозга келганида шoirини хузурга чорлаб, сўроққа тутибди:

— Мен-ку салтанатим худудини кенгайтиролмай оввора, сен эса Мовароуннахрнинг икки буюк шахрини қандайдир бир гўзалнинг холига бахшида этмишсен?

Ҳофиз юпун усти-бошига ишора қилиб, дебди:

— Азбаройи саҳийлигимдан шу аҳволга тушмишмен.

Бу жавобдан хурсанд бўлган жаҳонгир шoirга зарбоф тўн ёпибди.

Ҳа, у замонларда шеърнинг, шoirлигининг мақоми юксак бўлган. Сўз мулкининг султони Мавлоно Лутфийнинг ўн икки ёшли Алишернинг бир байтига бутун бошлай девонини алмашишга рози

Маънавият гўлшани

лас этгучи ойга, ошиқлар даврасини шув-лавлантирувчи шамъга менгазайдилар. Сочини - қоронги кечага, занжирга, аҳдарга нисбат берадилар. Нозли санамнинг қоши - янги чиққан ой, ёй, ҳатто хусн гулзори узара қанот ёзиб турган тоғус; килриги - хан-жар, ўк; кўзи - қотил; лаби-жон бахш этувчи Масих; кулгучи - чоҳ, зиндон. Қалду қоматининг қийси: алиф, сарв, шамшод. Бу ташбеҳлардан ажойиб шеърлар, образли иборалар дунёга келди. Чунони, маъшуканинг кўзи ошиқни ўлдирса, лаби қайта жон бағишлайди. Кулгучи чоғига тушиб қолсангиз, сочининг занжирга осилиб чиқишингиз мумкин. Мана, Фурқат муҳаббатнинг тугиллишини қандай тасвирлайди:

*Қошлари остида гўё икки фатон кўзлари -
Икки тилду батчадурким, ёндошиб ёйи тортадур.*

Мумтоз адабиётда ошиқнинг ўзини ерга уриши, маъшукасини қўкка кўтариши одат тусини олган: «Оёғингни тупроғи бўлай», «кўйингнинг ити бўлай» қаби. Шунинг учун ҳам севганга етолмаган бир шoir айтган экан: «Сени ўзим мактай-мақтай аршу аялга чиқариб қўйдим, энди ўзининг ҳам қўлларим етмайпти». Фузулий қўйдаги байтида ёрни - гулга, ўзини эса-тиканга менгазайди:

*Кўзимда маскан эт, хори миҳамдин ахтироз этма,
Гули хандона сўрдин, хора ёр ўлмоқ зарар верма.*

Мазмун кўзимда ватан тут. Киприқларимнинг тикан қаби санчилишидан чўчи-ма. Гулдан сўраб билдимки, тикан билан дўст бўлишнинг зарари йўқ. Чунки гул тикансиз бўлмайди.

Фурқат бу фикрни янада ривожлантиради:

*Даҳр гулзориди кўп гуллари кўрди эл вале -
Кўрмади сендек латифу нозку Бехор гул.*

Демак, ёр ҳам-гул, лекин тикансиз гул!

бўлгани воқеасини эсланг. Мана, ўша байт:

*Оразин ёлқок, кўзунинг сочилур хар лаҳза ёш,
Бўйлаки, лайдо бўлур қилду нисон бўлғач қуёш.*

«Севгилини юзини ёлса, менинг кўзимда ёш айлана бошлайди. Бу ҳол худди қуёш ботиб кетгач, юлдузларнинг чиқишига ўхшайди».

Мумтоз шеърятда «шоҳбайт» деган тушуна бор. Кўпинча шoir бор-йўғи битта байти билан машҳур бўлиб кетади. Юқорида Ҳофиз ва Навоий ижодидан келтирилган намуналар, Атойининг қуйдаги мисралари ҳам ана шундай «шоҳбайт»лар жумласидандир:

*Ул санамин, сув яқсинда паритек ўлтурур,
Фоти нозилқидан сув биле ютса бўлур.*

Аёл тириклик манбаи. Авлодлар доимийлиги аёл билан. Дунё гўзаллиги, ҳаётнинг маъноси аёл билан. Ҳазрат Навоий тазбири билан айтганда:

*Бас, кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр дегани ёри вафодор эмиш.*

«Қиссаси Рабўзий»да келтирилган ривоятга кўра Одам Ато Момо Ҳавонинг хуснидан маст бўлиб: «Менга яқинроқ кел!» - деб чорлади. Момо Ҳаво жавоб қилди: «Мени тилсанг, ўзинг келги!» Одам Ато қанот боғлаб, Момо Ҳаво томон учди. Агар бир соат сабр қилса, Момо Ҳавонинг ўзи келар эди. Шундан буюн эрларнинг хотинларга бориши суннат бўлди.

Шундан буюн қанча сувлар оқиб ўтди. Қанча шoirлар келиб-кетди. Шoirлар ичида аёл ҳақида шеър ёзмагани йўқ, аксинча, аёлни қуйлаб шoir бўлгани кўп. Яъни:

*Ун саккизга хирмаган ким бор?
Сен ҳақда шеър ёзмаган ким бор?*

(Эркин Воҳидов)

Шoirлар ёрнинг юзини - оламни ёритувчи қуёшга, тунни зулматдан ха-

Тўғри, ёр жабру жафо қилади, аммо «хўблардин хар неки келса, ҳуб».

Еки Фузулий ёздади:

*Уйла заиф қил танини фурқатидеки,
Василна мумкин ўла етурмак сабо бани.*

«Ҳажрида вужудимни шунчалик заиф айлайки, то шамол мени учириб, ёр қошига эта олсин».

Фурқат бу «ғариблик» янада авж пардага кўтарилади:

*Улдуруб ташланг ани кўйига, эй, аҳбоблар,
Итлар тирноғига бўлсин хино қоним менинг.*

Мир Алишер беҳиз айтмаганларким, мен оламнинг аёл отлиг мўъжизасига ҳайрон бўлмаган одамга ҳайронман, деб! Туроб Тўла эса аёлларни «Хайрат маликаси» деб лутф этган эди. Зеро, аёл:

*Юрса ўзини ташлаб, хар сори жийла билран,
Биллоқчи, озмаган дил, эзилмаган жигар йўқ.*

(Фурқат)

Муҳаммад алайҳиссалом айтдиларки: «Менга дунёларнингиздан уч нарса севиқлидир: Бирини - хушбўй нарсалар, иккинчиси - хотин зоти ва учинчиси - намозда кўзимнинг ёруғ бўлиши».

Биз мумтоз адабиётимизда аёллар васофиди битилган энг гўзал байтлар атофиди сўз юритдик. Бу байтларни, шеърларни бирма-бир келтирадиган бўлсак, еру қўкка сиймайди. Шунинг учун улўф Навоийдан кўмак ўтинсак-да, ҳазратнинг бир рубойлари билан сўзни мухтасар этсак:

*Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудогинг яхши,
Энг бирла менинг яхши, сақоинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошинг-аёгинг яхши!*

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

АСЛИДА БАҲОРГА ЎХШАЙДИ АЁЛ

бўлгани воқеасини эсланг. Мана, ўша байт:

*Оразин ёлқок, кўзунинг сочилур хар лаҳза ёш,
Бўйлаки, лайдо бўлур қилду нисон бўлғач қуёш.*

«Севгилини юзини ёлса, менинг кўзимда ёш айлана бошлайди. Бу ҳол худди қуёш ботиб кетгач, юлдузларнинг чиқишига ўхшайди».

Мумтоз шеърятда «шоҳбайт» деган тушуна бор. Кўпинча шoir бор-йўғи битта байти билан машҳур бўлиб кетади. Юқорида Ҳофиз ва Навоий ижодидан келтирилган намуналар, Атойининг қуйдаги мисралари ҳам ана шундай «шоҳбайт»лар жумласидандир:

*Ул санамин, сув яқсинда паритек ўлтурур,
Фоти нозилқидан сув биле ютса бўлур.*

Аёл тириклик манбаи. Авлодлар доимийлиги аёл билан. Дунё гўзаллиги, ҳаётнинг маъноси аёл билан. Ҳазрат Навоий тазбири билан айтганда:

*Бас, кишига умр хуши ёр эмиш,
Умр дегани ёри вафодор эмиш.*

«Қиссаси Рабўзий»да келтирилган ривоятга кўра Одам Ато Момо Ҳавонинг хуснидан маст бўлиб: «Менга яқинроқ кел!» - деб чорлади. Момо Ҳаво жавоб қилди: «Мени тилсанг, ўзинг келги!» Одам Ато қанот боғлаб, Момо Ҳаво томон учди. Агар бир соат сабр қилса, Момо Ҳавонинг ўзи келар эди. Шундан буюн эрларнинг хотинларга бориши суннат бўлди.

Шундан буюн қанча сувлар оқиб ўтди. Қанча шoirлар келиб-кетди. Шoirлар ичида аёл ҳақида шеър ёзмагани йўқ, аксинча, аёлни қуйлаб шoir бўлгани кўп. Яъни:

*Ун саккизга хирмаган ким бор?
Сен ҳақда шеър ёзмаган ким бор?*

(Эркин Воҳидов)

Шoirлар ёрнинг юзини - оламни ёритувчи қуёшга, тунни зулматдан ха-

Тўғри, ёр жабру жафо қилади, аммо «хўблардин хар неки келса, ҳуб».

Еки Фузулий ёздади:

*Уйла заиф қил танини фурқатидеки,
Василна мумкин ўла етурмак сабо бани.*

«Ҳажрида вужудимни шунчалик заиф айлайки, то шамол мени учириб, ёр қошига эта олсин».

Фурқат бу «ғариблик» янада авж пардага кўтарилади:

*Улдуруб ташланг ани кўйига, эй, аҳбоблар,
Итлар тирноғига бўлсин хино қоним менинг.*

Мир Алишер беҳиз айтмаганларким, мен оламнинг аёл отлиг мўъжизасига ҳайрон бўлмаган одамга ҳайронман, деб! Туроб Тўла эса аёлларни «Хайрат маликаси» деб лутф этган эди. Зеро, аёл:

*Юрса ўзини ташлаб, хар сори жийла билран,
Биллоқчи, озмаган дил, эзилмаган жигар йўқ.*

(Фурқат)

Муҳаммад алайҳиссалом айтдиларки: «Менга дунёларнингиздан уч нарса севиқлидир: Бирини - хушбўй нарсалар, иккинчиси - хотин зоти ва учинчиси - намозда кўзимнинг ёруғ бўлиши».

Биз мумтоз адабиётимизда аёллар васофиди битилган энг гўзал байтлар атофиди сўз юритдик. Бу байтларни, шеърларни бирма-бир келтирадиган бўлсак, еру қўкка сиймайди. Шунинг учун улўф Навоийдан кўмак ўтинсак-да, ҳазратнинг бир рубойлари билан сўзни мухтасар этсак:

*Кўз бирла қошинг яхши, қабогинг яхши,
Юз бирла сўзинг яхши, дудогинг яхши,
Энг бирла менинг яхши, сақоинг яхши,
Бир-бир не дейин, бошинг-аёгинг яхши!*

Эргаш ОЧИЛОВ,
филология фанлари номзоди

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАН МОМО

8 март - Хотин-қизлар байрами арафасида Жиззах вилояти Фориш туманидаги Моҳжум қишлоғида яшовчи Зулфия момо Муҳаммадова хотандонига онахоннинг қариндошлари, қишлоқ кексалари,

туман ҳокимлиги ва ижтимоий таъминот бўлими вакиллари йиғилди.

Зулфия момо 101 ёшга тўлди. Қариси бор унинг париси бор, деб беҳиз айтилган. Мурониёлар дуога кўл очган жойда имон-эътиқод мустаҳкам бўлади, осойишталик ҳукм суради.

- Не-не оғир даврларни бошдан кечирмадик, - дейди онахон. - Шўқрки, фарзандларимиз бахтли, эмин-эркин яшайдиган замонлар келди.

Тўрт ўғил, уч қизни тарбиялаб волга етказган Зулфия момонинг 150 нафардан зиёд неварачавараси бор.

(Ўза)



Баҳор келиши билан ўртачўл кўм-қўк либос кийиб келинчақдек яшнаб кетади. Йўл чеккаларида, олис-олисларда полакизгалдоқлар гулхани ловиллайди. Ёз ойларда эса машина деразасидан юзингизга майин шабабда эмас, олов пурқайди. «Тарс» ёрилиб ётган ерлар чап томонда яланг тоққа бориб туташса, ўнда Бухоро томонда Тўдакўл мавзеланади. Ужар ўртачўл жозибаси билан одамларни барибир ўзига тортаверади.

МАКТАБ ФАҲРИ, ХОНАДОН ФАЙЗИ

У изланувчан, ташаббускор муаллима. Ёш бўлса-да унинг нўми жамоадошлари орасида алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олинади. Фарзандимизни Матлубахон ўқитсин, деган ота-оналарнинг саноғи қанча.

Ёш муаллима мактабга илк қадам қўйган болалар руҳиятини обдон ўрганади. Қолаверса, оила муҳити, тарбияси, боланинг қизиқишини эринмай таҳлил қилади. Хар бир боланинг феълига қараб, сабоқни бошлайди.

Ўқувчиларда илмга ҳавас уйғотишда ўқитувчининг роли бекиёс, - дейди у. - Истеъдодли бола ҳам муаллимнинг бўлар-бўлмас танбеҳидан сўниши мумкин. Айниқса, ўйинқароқ, тўполончи ўқувчилар билан эҳтиёт бўлиб муомала қилиш лозим. Унутмаслик керакики, хар қандай болада ҳам илмга ҳавас бўлади. Ана шу ҳавасни юзага олиб чиқиш бошланғич синф ўқитувчисининг вазифаси. Кўйи синфларда яхши ўқимаган ўқувчини тарбиялаш жуда мураккаб кечади.

Матлубахон аввало ширин сўзи билан бола қалбига қиради. Сўнгра ундаги журъатсизлик ўрнини ўзига ишонч туйғулар билан тўлдирди. Негаки, журъатсиз болада ўз кучига ишонч бўлмайди. Ишонч эса ўсиб келаётган авлод учун қанот. Қанотсиз қўш учолмаганидек, эртанги кунга ишончи сўст бола илм захматларига бардош беролмайди. Бундай болалар билан Матлубахон дарсдан сўнг алоҳида машғулот ўтади.

Матлубахон синфдаги 40 бола олдида айтган хар битта сўзи 40 хонадонга етиб боришини у яхши билади. Қолаверса, бугунги ўқувчи давр фарзанди. У уйда ўтириб, «Интернет» ор-

қали дунё билан боғланади. Матлубахон эса замон билан ҳамқадам олға интилади. Илғор технология асосида «Интер-фаол усулида дарс ўтиш» мавзусидаги шаҳар семинарида у ўзининг бу борадаги тажрибасини намоён этди. Бундан ташқари, мактабда «Заковат» интеллектуал ўйинини ўтказди. «Энг замонавий синф» кўрик-танловида ғолиб бўлди.

- Матлубахон мактабимиз фаҳри, ёш бўлса-да иқтидори билан шахримиздаги ўқитувчилар орасида ҳам танилган, - дейди мактаб директори Шўкан Якубаев. - Айниқса, муаллимнинг компьютер соҳасида машғулот ўтаётгани мактавга сазовор.

Хар бир бола қалбини бир олам, деб билган Матлубахон Тўйжоновна нафақат ўз ўқувчиларининг сеvimли устози, балки мактабда ўтаётган кўплаб тadbирларнинг ташкилотчиси ва иштирокчиси ҳамдир. Яқинда Зарафшон шаҳрида бўлиб ўтган «Отам, онам ва мен» спорт мусобақасида Матлубахон турмуш ўртоғи Одиложон ва икки фарзанд билан иштирок этиб, 1-ўринни эгаллашди.

- Оиланинг устуни аёл, - дейди Матлубахоннинг кайнонаси Мусаллам ая. - Келимин орасталиги ва чаққонлиги билан хонадонимизга фазл бағишлайпти. Улгимнинг шодон чехраси, набираларим камолини кўриб қувонаман.

Матлубахон саъй-ҳаракатлар билан Зарафшон шаҳридаги Форобий номи мактабда ўқётган биринчи синф ўқувчиларининг «Саводхонлик байрами» бўлиб ўтди. Унда болалар қатори мактаб жамоаси, ота-оналар ҳам иштирок этиб, аксарият ўқувчилари алоҳида ўқитиб Матлубахонга ташаккур айтишди.

Тўлқин ШЕРНАЕВ

лар хузурда мени сайланглар деб ташвиқот ҳам қилмаган. Одамлар шўсиз ҳам ўша оғир йилларда сувсизликдан қарқанган далаларни, бог-роғларни кутқараман деб Тошрабат насос станцияси қурилишида жонбозлик кўрсатган,

даги чоғроққина ҳовлисида борганимда аёл чехрасидаги қатъият ва олижаноблики, умр йўлини хотирлаганда, кўзларида чақнаган гоҳ меҳрли, гоҳ қарқинли ёлқини кўрганам, сўзларидаги қувонч ҳам меҳрга қоришиқ ҳислар юрагимга қуйилганида мақоламга ёзилмак охиригиз сатрлар хаёлимда чарх урди: «Сенга ҳавасим келади, Раъно!» Кейинчалик тиббиёт билим юртида ўқётган қизим «дада, мақолангизни дугоналарим билан ўқиб уялдим. Эркак киши ҳам «аёлга ҳавасим келади дейдими?» деганида аввало унинг гўдақларча мулоқазасидан ичимда қулган бўлсам, сиртимда «шундай аёл бор, болам», дейоладим, холос. Кейин бу аёлнинг унинг шарафли ва мураккаб ҳаёт йўлини эҳтимол Дилдор ва унинг тендошларига танита олмаганимдан деган андиша билан иккинчи мақолани ёздим. Лекин мақола ҳеч қаерда чоп этилмай қолиб кетди.

Яқинда Қизилтепа томонларга борганимда Раъно Валиева сенаторликка сайланибди, деган гап эшитдим. Бу мени беҳад қувонтирди. Чунки, бугунги масъулиятли ўтиш даврида билимли, қатъиятли, шижоатли Раънолар кўрак. Чунки, у ҳеч қачон мактову мукофот илжизда ишламаган. У ханишда эл ташвиши билан яшаган. Сайловчи-

мақолатлардан эгилмаган, Тошрабатда биринчилардан бўлиб пахта терим машинаси рулини бошқарган, Олий Мажлис депутатлиги сифатида кўплаб хамюртларининг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қила олган ўз Раъноларини яхши қилайди. Шу одамлар кеча қайлишди. Шу одамлар кеча қайлишди. Шу одамлар кеча қайлишди. Шу одамлар кеча қайлишди.

деҳқончилик қилишдан кўрққан Эртачўлдан ер сўради. Бу ерда фермер хўжалиги очди. Уни ҳеч қачон одамлар учун қайғуриш ташвиши тарк этмади. Ҳосилдорликнинг йилдан-йилга ошиши, ер майдонларининг кенгайиб бориши, чорваликнинг ривожланиши бу ерда доимий ишловчиларни 10 кишига, мавсумий ишловчилар сонини 40 кишига етказди. Энди уларнинг хар бири учун, уларнинг оиласидаги хар бир мурғак жон учун қайғуриш, яшаш ва ишлаш керак. «Раъно - ишловчилар учун зимматчи, - деган эди Навоий вилоят ҳокими катта минбардан туриб. - У хар тонбўз одамлари ва уларнинг фарзандла-

РАЪНО ЭССЭ

ри учун иссиқ нон ёпади. Олинган фойдалар уларнинг хар бирининг оиласини буттайди. Фарзандларининг ўқиши учун қайғуради».

Яқинда Раъно айрим фермерлар ишловчилар даромадини яшириб, атайлаб камайтириб қўрсатаётганини, бу нафақат давлат солиқ тушумига, истиқболда шу одамларга пенсия тайинлашга салбий таъсир этишини кўтариб чиқди. Ўша-ўша қуйди-пишдида, Раъно. Саксоничи йилларнинг ўрталида ҳам шундай бўлганди. Москва «план» талаб қилишни қўямасди. Шунда у Хатирчида республика ҳукумати раҳбарлари қатнашган катта йиғинда айрим каттаконларни тошрабатликларга ва уларни боқайтган далаларга бепарволикда айблади. Раъно ўтирган автобус Қизилтепага бориб етмасдан вилоят ироққони раиси машинаси қувиб етиб тўхтади. Уни ҳақорат қилишганди. Лекин бу одамлар ҳам мард экан. Кўп ўтмай ўз хатоларини тўшунди етишди. Ҳатто насос станцияси қурилишига ўзлари бош-қош бўлишди. Раъно энди бугунги ва эртанги кундан хортиржам. Чунки, энди бу ердаги одамлар ҳам, далалари ҳам, ҳатто ҳуқуқийликда ўлгаётган сўрув-сўрув қўйларига қонун билан муҳофазаланганини яхши билади... Ишлаша мустақил Ватани учун, ўзи учун ишлайди. Даромад меҳнатга яраша. Ишловчилар учун шинам ва қуркам уйлар, дала шийонни қурди. Эски «Москвич» ўрнига яп-янги «Дамас» автомашинасини мукофотга беришди. Хуллас...

Бор бўл, Раъно!

Ялғош САРИЕВ,
«Ишонч» муҳбири



Баҳор келиши билан ўртачўл кўм-қўк либос кийиб келинчақдек яшнаб кетади. Йўл чеккаларида, олис-олисларда полакизгалдоқлар гулхани ловиллайди. Ёз ойларда эса машина деразасидан юзингизга майин шабабда эмас, олов пурқайди. «Тарс» ёрилиб ётган ерлар чап томонда яланг тоққа бориб туташса, ўнда Бухоро томонда Тўдакўл мавзеланади. Ужар ўртачўл жозибаси билан одамларни барибир ўзига тортаверади.



ТУРМУШГА

ҚУШАР ХУСН

Аёл - уйдаги хазина

Аёл истаса, қоянинг ичидан ҳам ўта олади.

Она - ҳаётнинг гули, бола унинг булбули.

Аёлнинг сариштаси - рўзгорнинг фариштаси.

Келининг яхши бўлса - ўғлингга раҳмат. Кувинг яхши бўлса - кизингга раҳмат


Пок аёллар қалбида меҳр гули яшнаб туради.

Дунё аёл билан гуллаб яшнайди.

Аёл бўлса тadbиркор - оилада бахт бисёр.

Хотиннинг яхшилиги эрининг кийинишидан маълум.

Яхши хотин - турмушга қўшар хусн.



«БАЙРАМ» КРОССВОРДИ

Рақам атрофига белгиланган хондан соат мили йўналишида: 1. Ўзбекистон халқ шоираси, журналист. 2. Мукаррама Турғунбоева сахналаштирган ўзбек халқ рақси. 3. Саид Аҳмаднинг «Жимжитлик» романи қаҳрамони. 4. Аёлларнинг устки енгил либоси. 5. Ўзбек мумтоз, газалнавис шоираси. 6. Ҳамзанинг машҳур пьесаси қаҳрамони. 7. Геродотнинг «Тарих» аса-рида келтирилган Марказий осийлик ватанпарвар, жасорат тимсоли бўлган аёл ҳақидаги афсона. 8. Аёлларга хос кўриниш, чирой. 9. «Парвона» дра-маси қаҳрамони. 10. Ўзбек мумтоз шо-ираси Нодиранинг тахаллусларидан би-ри. 11. Дунё халқлари оналарининг азалий орау истиги. 12. Баҳор гули. 13. Инсоний ҳосият, наф. 14. О. Ёқубовнинг «Диёнат» романи қаҳрамо-ни. 15. Тантана, байрам. 16. Ўзбек халқ достони. 17. Гул тикилган дўппи тури. 18. Алишер Навоийнинг «Саббаи сайёр» достони қаҳрамони. 19. Санъаткор аёл. 20. Вафодорлик ифодаланган ҳинд филь-ми. 21. Эришиш, муваффақ бўлиш маъ-мунидаги аёл исми. 22. Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия шеъри. 23. Қимматбаҳо тош, дур. 24. Тансиқ, какаоли байрам ширинлиги. 25. Мохир ошпаз. 26. Хушрўй, нозанин аёл, малак. 27. Мумтоз адабиётимиз билимдони, навоийшунос олима. 28. Аёллар камандлари ҳам му-собақалар ўтказадиган тўпни спорт ўйи-ни. 29. Дурбек достони қаҳрамони. 30. Ёшлик латофати, покизалик. 31. Гузал-ларга хос ёқимlilik. 32. Инсонга қилин-ган марҳамат, ҳиммат.

Фозилжон ОРИПОВ тuzди.

МУНОСИБ ДЕБ ТОПИЛДИЛАР

Ўзбекистон архитекторлар уюшмаси мамлакатимиздаги йирик ижодий ташкилотлардан бири ҳисобланади. Кўп йиллардан бери фаолият кўрсатиб келаётган бу нуфузли уюшма ўз атрофига кўзга кўринган меъморларни бирлаштириб, йирик лойиҳаларнинг юзага келишида бош-қош бўлиб келмоқда. Шу орада мазкур уюшмага қатор таникли архитектор олимлар раҳбарлик қилдилар. Уларнинг ташкилотчилик ва ижодкорлик фаолиятларини муносиб баҳолаш мақсадида «Ўзбекистон архитекторлар уюшмасининг фахрий раиси» деган ном таъсис этилди. Мамлакатимиз архитекторларининг навабдаги республика курултойи қарори билан бундай фахрли номга Митхат Булатов, Фарҳод Турсунов, Тўлқиной Қодирова, Фироз Ашрафийлар муносиб деб топилдилар.

Ўқинг, асқотади

«Тўғри сўз тукканингга ёқмас» деган мақол фақат бизнинг замонамизга келиб пайдо бўлиб қолган эмас. Бундан бир неча юз йиллар илгари ҳам одамлар бу мақолни ва у аниқланган маънони жуда яхши билишган. Аммо шундай бўлса-да, ҳақиқатгүй одамлар ҳамма замонларда ҳам рост гапни, тўғри сўзни айтишдан тўймаганлар. Фақат бир хил мазмундаги гапни турли кўриниш ва ҳар хил оҳангда айтганликларини учун уларнинг ярми жазо олган бўлса, ярми тақдирланган. Бу ҳақда хатто куйидагидек ривоятлар ҳам тўқилган: «Хорун ар-Рашид туш кўрса, ўттиз икки тиши тушиб қотганмиш. Халифанинг кайфи учиб мунажжим ва муаббир таъбирчиларни чақирибди ва улардан кўрган тушининг таъбирини сўрабди.

Билдирган мулоҳазаларининг хаммаси ниҳоятда тўғри. Аммо гап уни қай йўсинда айта билишди. Эрини тоқатсизлик билан кутаётган аёлга «Эрингиз фронтда бомба тағида қолиб ўлди» дегандан, оддийгина қилиб: «Жуфти ҳалолнингиз ўқ тегиб ўлди» деган осонроқ, энгирок эшитилади. Буни фарқ қила билиш керак. Сиз ва-зелинлаб гапиришни бил-мас экансиз. ...

Сўздан сўзнинг фарқи бор

Шунда муаббирлардан бири. — Эй, амир ал-мўминин, бутун қавм-қариндошинг ва уруғ-аймогинг ўлиб, ўзинг яқка-ў ёлғиз қолар экансан, — дебди. Хорун ар-Рашиднинг юрак-бағри эзилиб, совуқ нафас учун бу муаббирни юз дарра уринлар, деб фармон берибди. Бу совуқ қаромат бари бир унга ором бермабди ва эртасига бошқа муаббирни чақириб, бу тушининг таъбирини сўрабди: — Эй, амир ал-мўминин, Худойи таоло сизга бениҳоя умр, беқийс давлат берган, сиз барча қавм-қариндош ва авлод-дингизга нисбатан узок умр кўрар экансиз, — дебди. Бу сўздан Хорун севи-ниб кетибди ва шундай дебди: — Иккаласи ҳам бир гапни айтиди, аммо буниси фикрни одоб билан, чирой-ли иборалар топиб айтгани учун юз динор мукофотга сазовор бўлди, биринчиси томдан тараша тушгандай кўпол сўзлар айтиб қўйиб юз дарра еди... Кўпчилигимиз бу каби ривоятларни ўқиган, бил-ган бўлишимизга қарамай, ҳаётда уларга амал қилиш-ни ё истамаймиз, ёки амал қилиш қўлимиздан келмайди. Айтايлик, кўшнингизнинг дастёр бо-ласи кутилмаганда икки донагина сабзи сўраб чи-қади. «Хозиргина ишлабди кўйибман-а!» дейди аёлингиз гўё сабзи тугаб қолганлиги учун ўзини гу-ноҳкордек ҳис этиб. Эти-бор беряспизми, бунинг ўрнига у: «Сабзимиз йўқ!» деган жавоб билан екла-ниши мумкин эди. Аммо ўзини билган аёл бундай тўтмоқ муомала қилмайди. Албатта у сабабининг тугаб қолганлиги сабабини даст-ёр болага ва хатто баъ-зан унинг онасига кириб изоҳлаб чиқади. Шундай қилмаса, кўнгли тўлмайди:

Бошқаларга мана шундай танбех берган адиб-нинг ҳаётий фаолияти эса ҳаммамизга ўрнак бўлар-лидир. Жумладан, у киши-нинг сўзга чечанлиги, хозиржавоблиги ҳақида адибининг умр йўлдоши Киборий опа Қаҳҳорова куй-идагиларни хотирлайди-лар: «Бир кун чой дамлаб олдиларига кўйдим. Чойни қуйишлари билан қопқок-пиёла ичига тушиб кетди. Бошқа одам бўлса: «Менга айтсанг ҳам шунини боғлаб қўяр эдим-ку!» деб танбех бериши мумкин эди. Аб-дулла Қаҳҳор эса жилмай-иб: «Ҳа, етказганига шукур, қопқоқни ҳам чайиб ича-диган бўлди!» деганлар. ... Сўхбатимизни фикрни одатдагидек бошқача, «ва-зелинлаб» гапириш ҳақидаги ривоятдан бош-лаган эдик. Келинг, шунга оид яна бир ривоят билан яқунлай қўлайлик. Токи бу ҳам бизга бир сабоқ бўлсин: «Подшо филиннинг кунини битиб қолаётган экан, уни қишлоққа жўнатишиб-ди. Қишлоқ аҳолисига: «Кимда-ким подшога фил-нинг ўлими ҳақидаги ха-барни етказса, ўша одам қатл этилади» деб айти-шибди Қишлоқ аҳли фил ўлиб қолишидан кўриб, уни роса парварши қили-шибди. Лекин фил тез орада оламдан ўтибди. Халқ бунини кўриб бу му-дҳи хабарини қандай айта-миз, деб азият чекибди. Шунда бир доно: — Дўстлар, ташвишлан-манг! Мен ўзим бориб ай-таман, — дебди. Халиги киши подшо са-ройига келиб: — Подшо ҳазратлари! Севишли филиннинг овқат емапти, сув ичмапти ва хатто нафас ҳам олмапти, — дебди таъзим қилиб. — Нима, ўлдимиз? — сўрабди подшо. — О, жаноби олийлари, бу сўзни мен эмас, сиз айт-дингиз, — дебди доно. Подшо зукко кишининг ўткир зehнига қўйил қолиб, уни мукофотлади...

Сиддиқ МУМИНОВ, филология фанлари доктори, профессор



Касаба уюшма ҳаёти


ҚЎШИМЧА МЕҲНАТ ТАЪТИЛИ

Жиззах шаҳар марказий шифо-хонасининг саломатлик посбонлари тиббий хизмат кўрсатиши янада яхшилаш чора-тадбирларини кўрмоқ-далар. Тиббий соҳадаги ислохотлар изчил амалга оширилди, самарадорлик анча ўсди. Жумладан, 2004 йил аҳолига кўрсатилган пуллик хизматдан 15 миллион 814 миңг сўм даромад қилинди. Олинган даромад ҳисобидан иш ҳақи фондига қўшимча 15 фоиз ёки уч миллион 478 миң сўм сарфланди. Юртимиз-да ўтказилаётган умумхалқ байрам-лари муносабати билан меҳнат фах-рийлари, кам таъминланган, кўп бо-лалари оилалар, иккинчи жаҳон уру-ши қатнашчиларига моддий ёрдам кўрсатилди. «Хамшира» кўрик-танлов мунта-зам ўтказилиб келинаётди. Бу ва бошқа ўтказилган ҳар хил мада-ний-оммавий тадбирларга 701 миңг сўм ажратилди. Ходимларимиз қадимий шаҳарларга саяхат қил-моқда.

Ўтган йили юз нафар ходим Фалла-орол туманидаги Саъд Ваққос зиё-ратгоҳига олиб борилди. Ходимларга соғлиқларини тиклаш-лари учун республикамиз сихатгоҳ-ларига умумий нархи 1,5 миллион сўмлик 12 та имтиёзли йўлланма аж-ратилди. Шифохона маъмурияти ва касаба уюшма кўмитаси ўртасида ўзаро би-тим тузилиб шу асосида иш олиб бо-риляпти. Бу тадбирларнинг бажа-рилиши натижасида меҳнат жамоа-ларининг фаолиятлари барқарорлиги таъминланди, ишсизликка йўл қўйилмади. Ишловчиларнинг иш ҳақлари ўсди, меҳнат таътили 24 иш кунига етказилди. Зарарли ишда ишловчиларга, аёлларга имтиёзлар қоллатилди. Уларга қўшимча ҳақ тўлаш, қўшимча олти кунлик меҳнат таътили бериш жорий қилинди. Бўрибой НОРКУЛОВ, «Ишонч» мухбири Суратда: ҳамшира Лола ЗОКИРОВА

ЙИРИК МАЪРИФИЙ ТАДБИР

Республикаимиз умумий ўрта таълим муо-сасаларида «Мактаб - кутубхона - оила - жа-моат ташкилотлари» де-ган шior остида хайрия тадбири бошланди. Мамлакатимизда «Мак-табдан ташқари таълим самарадорлигини оши-риш ўқув йили» эълон қилиниши муносабати билан зиё масканлари фаолиятини янада жон-лантиришга қаратилган бу таълимий жараёнда қатор хайри ишлар амалга оширилади. Республикаимиздаги барча таълим муассаса-лари кутубхоналари Фондини дарсликлар, бадиий, илмий-омма-боп, услубий адабиёт-лар билан тўлдиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилади. Ҳукуви ёш-лар китобхонлиги орка-ли уларда экологик, иқтисодий, ҳуқуқий би-лимларга бўлган қизи-қиш орттирилади. Республика илмий-педагогика кутубхонаси томонидан белгиланган тадбирлар бўйича эса «Китобим - офтобим», «Энг биланган ўқувчи» деган шiorлар остида бахс-мунозаралар ҳам уюштирилади. А. АЛИЕВ



Хоразм Маъмун академиясининг 1000 йиллигига

Тарихни варақлар экансиз ўрта асрларда мусул-мон мамлакатларида илм фанини юксалтириш, хусусан илмий марказларни ташкил топишини қузатиш мум-кин. Богдода Яхъё ибн Мансур ва Муҳаммад Мусо ал-Хоразмий раҳбарлигидаги «Донишмандлар ўйи», Самарқандда Улуғбек академияси, Хоразмда Абу Райҳон Беруний бошчилигидаги Маъмун академия-си ва бошқа кўплаб илмий билим берувчи мактаб-лар шаклланган. Биринчи академия эса Шарқда Хо-рун ар-Рашид ўғли халифа Маъмун ар-Рашид (813-833) даврида Богдода ташкил этилган.

Хоразмшоҳ Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун (989-1017) Эроннинг Журжон шаҳрида яшаб ижод қилаётган ватандоши Абу Райҳон Берунийга нома жўнатиб, алломани Хораз-мага илм аҳлига бош бўлишга чорлайди. Маъ-мун ўз номасида Хораз-ма олим уфузалор йи-гилиб келаётгани, ҳафта-нинг ҳар сешанба ва жума кунлари шаҳсан уларни ўз хузурига чорлаб, маш-варат ўтказётганини айт-иб: «Гурганжга келиб мажлиси уламога бош бўлгaysиз» дея ёзган эди. Ватан соғинчи юрагини ўртаётган аллома шоҳ тақлифини қабул қилиб юртва қайтади. Шоҳ Маъмун ўз вазири Абул Хусайн ас-Саҳилий-

нинг илму ҳикматни сову-вчи инсон эканини яхши билгани учун илм маскани назоратини унга ишониб топшириб қўяди. Вазир ҳам Беруний бош бўлган олим-ларга барча имкониятлар-ни яратиб беради. Акаде-мияда алломалар асосан фалакийёт, табобат, фалса-фа, мусика, кимё сингари илм-фан аҳлига кўрсатган хомийлиги учун фақатги-на Хоразмшоҳлардан Абул Аббос Маъмун ибн Маъмун «Давлат кўрки ва дин беағи» унвони бил-лан тақдирланганидан ҳам билиш мумкин. «Юқорида қайд этгани-миздек бу даргоҳда оли-му фузалолар олиб бора-ётган илмий изланишлар 1017 йилгача, яъни Мах-муд Фазнавий Хоразмга уруш эълон қилиб, уни босиб олишга давом этади. Махмуд Фазнавий эса олимларни Фазнага кўчириб олиб кетади. Оққан дарё оқмай қол-мас, деганларидек, таш-кил этилганлигининг минг йилги нишонла-надиган бу даргоҳда айна кунларда юбилей тадбирига қизгин тайёр-гарлик кўрилмоқда. Хозирда бу жойда икки нафар академик, 8 на-фар фан доктори, 24 на-фар фан номзоди жами 60 нафарга яқин илм-фан фидойилари илмий изланишлар олиб бо-ришмоқда. Болтабой ЭРНАФАСОВ

ОҚҚАН ДАРЁ ОҚМАЙ ҚОЛМАС

Маъмун (Маъмун II) ташаб-буси билан, Абу Райҳон Беруний раҳбарлигидаги бу илмий маскан иккинчи Маъмун академияси номи билан тарихга кирди. Хо-размшоҳлар давлатининг пойтахти Гурганж (қўнжа Урганч)да ташкил этилган бу илм ўчоғи ўз даврида «Мажлиси уламо» ёки «До-рул ҳикма ва маориф» но-млари билан аталган. Шоҳ Маъмун ўз вазири Абул Хусайн ас-Саҳилий-

Футбол латифалари НИМ ТАБАССУМ

Танаффус пайтида бош мураббий ўйин-чиларга мурожаат этипти: — Йигитлар, бизга ишонмайди деб ўйла-манглар. Лекин ҳисоб 0:13 га етганида галабамизга шубҳа қила бошладим. Эр уйига югуриб кир-ганча телевизорни ёқди: — Хотин гап-сўзла-рингни йиғштир. Мен футбол кўраман. — Ҳисобни айтайми? Эрталаб радиодан эши-тувдим. — Йўқ, айтма керак эмас. — Айта қолай, бари-бир бирорта ҳам гол бўлмаган-ку...

Икки футбол мухли-си суҳбатлашмоқда. — Эшитдингми, биз-нинг жамоа ўйинлари-га мавсумда энг кам



ишқибоз келганмиш. — Шу ҳам янгилик бўлдими? Кеча ўйин-гоҳга кўнгирик қилиб, баҳо соат нечада бош-ланишини сўрасам, менга шундай савол беришди: «Сизга соат нечада бошланса қулайроқ бўлади?»

Футбол шарҳловчиси ўйинни шарҳляпти: — Уйиннинг 9-дақиқа-сидаёқ 9-номерли ҳужумчимизнинг жарима майдончаси ичидан, 9 метрлар чамасидан боши билан берган зар-басидан сўнг тўп рақиб «девятка»сида. Ана сиз-га тўққизлиги, мана сиз-га «девятка» ...

Икки дўст суҳбатла-шяпти: — Сенга Мадонна ёқадими? — Йў-ў-ў-у, мен фут-болни умуман ёқтир-майман, ўша Мадон-нани ҳам. ...

Адвокат: — Сизни судда ҳимоя қила оламан. Лекин менга тўлашга пулингиз борми? Футболчи: — Пулим йўқ, аммо «Мерседес»им бор. Адвокат: — Яхши, сизни ҳимоя қиламан. Энди айтин-чи, сизни нимада айб-лашяпти. Футболчи: — Уша «Мерседес»ни ўғирлашди.

ISHONCH МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир хайъати: Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимуҳжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Дворие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов. E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78; Хатлар бўлими 56-85-43; Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмулимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134 Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган. ИВМ компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. «Шарқ» нашрийёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.